



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024  
2/1-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 2/1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**  
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**  
и.ф.д. Ф.А.Сафаров  
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

**Техник муҳаррир:**  
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**  
PhD С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**  
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.

**Тахририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти в.б., DSc

**МУНДАРИЖА :**

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> “Хизмат” тушунчасининг иқтисодий кагегория сифатида назарий таҳлили	5
<b>Ибодулла Ҳасанович Ибрагимов, Рустам Алижонович Мусабоев</b> Истеъмолчилик хулқининг трансформацион хусусиятлари	11
<b>Аскар Хайдарович Джумаев</b> Жаҳон хўжалигида иқтисодий тизимларнинг қиёсланишининг услубий жиҳатлари	16
<b>Shahobiddin Ziyadullayevich O‘rozov</b> Amir Temur ijtimoiy faoliyatida ratsionallik yondashuvi	20
<b>Lola Nazarovna Xalikova</b> Ijtimoiy himoyalashga oid nazariy qarashlar	24
<b>РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Боҳодир Ибрагимович Исроилов, Бобуршоҳ Боҳодир ўғли Ибрагимов</b> Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ ҳуқуқбузарликларини таснифлашнинг ўзига хос хусусиятлари	28
<b>Қулмамат Джонузоқович Мирзаев, Гиёс Турабекович Юлдашев</b> Республикамизда деҳқончиликни инновацион асосда ривожлантиришни асосий тараққиёт тенденциялари	32
<b>Жунайдулло Садиевич Файзиев</b> Умумий овқатланиш корхоналарини дастурий – аппарат комплексларидан фойдаланиб автоматлаштириш	37
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Раҳматулла Хидирович Эргашев</b> Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперацияси ва унинг самарадорлигини ошириш	42
<b>ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>Зариф Юсупович Аминов</b> Инсон иқтисодий хавфсизлигига ишчи кучи сифатининг таъсири	49
<b>Zubayda Ubaydullayevna Shodmanova</b> Xizmat ko‘rsatish sohasidagi korxonalarining iqtisodiy xavfsizligini ta’minlashdagi kamchilik va muammolar	53
<b>Bekjon Shukurillayevich Musayev</b> Oliy ta’lim xizmatlarini raqamli texnologiyalar asosida targ‘ib qilishning uslubiy asoslari	57
<b>Sadoqat Qudratovna Bultakova</b> Xizmat ko‘rsatish sohasi va uning O‘zbekistonda o‘shish dinamikasi	63
<b>Luiza Komilovna Haydarova</b> Xizmat ko‘rsatish korxonalarida innovatsiyalarni tatbiq etish zaruriyati va omillarini tahlili	67
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Akram Abduraxmonovich Azizqulov</b> Xatirchi tumanida ziyorat turizmini rivojlantirish imkoniyatlari	74

# САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

УДК: 338.478.33:51

Рахматулла Хидирович Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

## МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ КООПЕРАЦИЯСИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

**Аннотация:** ушбу мақолада мева-сабзавот маҳсулотлари кластер-кооперация тизимини ташкил этиш асосида унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, амалиётда уларни мева-сабзавотчилик кооперациялари агрокластерлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, шунингдек интеграция тизимлари фаолиятларида кенг фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотлари кооперациясининг иқтисодий самарадорлигини оширишни такомиллаштириш ҳамда аҳолини мева-сабзавотга бўлган талабини қондириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** мева-сабзавот, маҳсулот, кооперация, самарадорлик, ижтимоий-иқтисодий муҳит, агрокластер, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, қайта ишлаш, интеграция, истиқбол, аҳолини таъминлаш

**Кириш.** Мева-сабзавотчилик соҳасининг ривожланишига ва кенгайиб боришига қарамай, амалиётда уларни мева-сабзавотчилик кооперациялари агрокластерлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, шунингдек интеграция тизимлари фаолиятларида кенг фойдаланиш бўйича илмий ва амалий ёндашувлар етарли даражада ривожланмаган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотлари кооперациясининг самарадорлигини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни, жумладан, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва уларни сақлаш, жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш орқали экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтиришда мева-сабзавот маҳсулотлари кооперациясининг ташкилий-иқтисодий асослари каби масалаларга долзарб аҳамият берилмоқда. Қишлоқ хўжалиги кооперацияси ва агрокластерлар соҳасида норматив-ҳуқуқий база шакллантирилган. Булар, хусусан, «Кооперация тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардир.

Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавот маҳсулотлари асосан хусусий тармоқда етиштириляётган бўлиб, унинг 70-80 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари зиммасига тўғри келган бўлса, бугунги кунда боғдорчилик соҳасидаги йирик тадбиркорлик субъектларининг сони ортиши мева-сабзавот етиштирувчи хусусий тармоқ ўртасида рақобатнинг кучайишига олиб келмоқда. Бундай тизимда мавсумий пишиб етиладиган ва транспортда ташишга кўп ҳолларда ноқулай бўлган мева-сабзавот маҳсулотлари жуда кўп сонли, жойлашуви жиҳатидан тарқоқ ҳамда ҳажми кичик деҳқон ва фермер хўжаликларининг рақобат курашида иштирок қилишлари учун уларнинг кооперацияга бирлашишлари муҳим аҳамият касб қилади.

Мева-сабзавотчилик кооперацияларини ташкил этишдан мақсад – кооператив аъзоларининг моддий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш учун биргаликда ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш. Мажбурий шарт – уларнинг мулкый пай улушларини бирлаштириш ва кооператив фаолиятида шахсан иштирок этишдан иборатдир.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Мева-сабзавот маҳсулотлари кооперацияси масалалари кўплаб хорижлик олимларнинг, хусусан, А.В.Чаянов[1], И.Н. Буздалов[2], Т.Бузина[3] каби ва бошқа аграр соҳа иқтисодчи олимлари илмий ишларида ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида мева-сабзавот маҳсулотлари кооперацияси масалалари Аллахвердиев А.И.[4], Н.В.Ермалинская ва Е.А. Кожевников[5] каби олимлар тадқиқотларида ўрганилган.

Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари кооперациясининг умумий муаммоларини ўрганиш бўйича маҳаллий олимларимиздан Р.М.Хусанов[6], Қ.А.Чориев[7] ва бошқа олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Юқоридаги тадқиқодларда мева-сабзавот маҳсулотларнинг иқтисодий самарадорлик масалалари батафсил кўриб чиқилган, самарадорлик даражасини баҳолаш усуллари, уни ошириш йўналишлари ва йўллари ўрганилган. Бироқ, кўплаб муаммолар муҳокама қилинганига қарамай, олимлар мева-сабзавот маҳсулотлар кооперациясининг ташкилий-иқтисодий асослари масаласида бир фикрга кела олишганлари йўқ. Мева-сабзавот маҳсулотлар кооперацияси муаммосини янада чуқурроқ ўрганиш мева-сабзавотни қайта ишлаш ва сақлаш корхоналарининг ривожланиш захираларини ҳар томонлама иқтисодий баҳолашни ва мева-сабзавот маҳсулотлар кооперациясининг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг оқилона илмий ва инновацион ёндашувларни талаб қилади.


Шу билан бирга, мева-сабзавот маҳсулотлари кооперациясининг иқтисодий самарадорлигини ошириш масалалари етарли даражада ёритилмаган. Ушбу ҳолат мазкур йўналишларда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади, ҳамда тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқот методологияси.** Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперацияси ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган ўзига хос бўлган асосий хусусиятларини асослаб бериш, даладан дастурхонга қадар занжирини ташкил этиш асосида унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш доир таҳлилида индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил этиш, жадвал ва графиклар усулларида фойдланилди ва таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

**Таҳлил ва натижалар.** Мева-сабзавот маҳсулотларининг иқтисодий самарадорлик ресурсларини ишлаб чиқариш жараёнида-ер, меҳнат, техника ва бошқа моддий воситалар олинган натижаларнинг ишлаб чиқарилган харажатлар билан нисбатларини ифодалайди.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг ижтимоий самарадорлик кўрсаткичи-иш кучини қайта тиклаш ва халқ фаровонлигини ошириш учун шарт-шароитлар энг яхшиларини яратишда намоён бўлади (қишлоқда меҳнат шароитлари ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, ҳақиқий иш ҳақини ошириш ва ҳ.к.).

Мева-сабзавот маҳсулотларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги самарадорлик турларини ажратиш одатий ҳолдир (1-расм).



1-расм Мева-сабзавотчиликда самарадорлик турлари<sup>1</sup>

**-технологик-ишлаб чиқариш** -ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради. Бу ишлаб чиқариш жараёнида ер, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими билан тавсифланади;

**-иқтисодий ишлаб чиқариш** – ишлаб чиқариш ва технологик самарадорлик иқтисодий механизмнинг умумий таъсирини тавсифлайди, ва қиймат кўрсаткичлари билан ўлчанади (ишлаб чиқариш харажатлари, ялпи ва соф даромад, фойда ва бошқалар);

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси

– **ижтимоий-иқтисодий-ишлаб чиқариш-иқтисодий** самарадорликдан олинган ва умуман иш самарадорлигини тавсифлайди. Бунинг учун қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади: ер майдони бирлигига ишлаб чиқариш қиймати, фойда нормаси, рентабеллик даражаси ва бошқалар.;

- **экологик-** атроф-муҳит учун агрофирма саноати экологик таъсирни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини тавсифлайди.

Мева-сабзавотчилик маҳсулотларининг иқтисодий самарадорлигининг моҳияти ишлаб чиқаришни мезон ва кўрсаткичлар орқали ифодалаш мумкин. Мезон самарадорлиги баҳоланадиган хусусиятдир. У мақсадга эришишнинг энг самарали йўли, воситасига ишора қилади ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муқобил вариантлари ўлчанади ва танланади.

Олиб борилган тадқиқотлар жараёнида мева-сабзавотчилик маҳсулотларга ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш методикаси ишлаб чиқилди (2-расм).



**2-расм Мева сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари<sup>1</sup>**

Ушбу жадвал материалларидан мева-сабзавот маҳсулотлари самарадорлигини баҳолаш методикаси таклиф этилган бўлиб, интеграциялашган ишлаб чиқариш алоҳида босқичларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш якуний маҳсулот ишлаб чиқариш (мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хом ашё, тайёр маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш) (1-жадвал).

Қашқадарё вилоятида кооперация тамойиллари асосида фаолият юритувчи мева-сабзавотчилик фермер хўжаликларнинг пайдо бўлиши ва ҳолати ҳамда динамикасини таҳлил этадиган

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

1-жадвал

Қашқадарё вилоятида мева-сабзавот маҳсулотлари кооперацияси ва унинг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари таҳлили (2022 йил)<sup>1</sup>

№	Кўрсаткичлар	Усуллар		Фарқи (+; -)
		Анъанавий*	Кооперация**	
<b>1. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш:</b>				
1.1	Ишлаб чиқариш харажатлари (млн. сўм)	192,7	1280,0	1087,3
1.2	Маҳсулот сотиш ҳисобидан олинган тушум сифат ва муддатлилик тамойилини ҳисобга олган ҳолда (млн. сўм)	480,3	5184,0	4703,7
1.3	Фойда, (+) (млн. сўм) Зарар (-) (млн. сўм)	287,6	3904,0	3616,4
1.4	Рентабеллик даражаси %	149,2	305,0	2,0 марта ошган
<b>2. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш:</b>				
2.1	Маҳсулотларни сақлаш қувват (тонна)	80,0	720,0	640
2.2	Маҳсулотларни сақлашдаги йўқотишлар (тонна)	1,2	11,5	10,3
2.3	Маҳсулотларни сақлаш харажатлари, млн. сўм.	3,2	36	32,8
2.4.	Маҳсулотларни сақлашга қўйилган маҳсулот қиймати (млн сўм)	320,0	3600,0	3280
2.5	Маҳсулотларни жами сақлаш харажатлари ва мева-сабзавот маҳсулотларнинг қиймати (минг сўм)	323,2	3636,0	3312,8
2.6	Сотилган маҳсулотлар ва сотиш даврида йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда тонна	78,8	708,5	629,7
2.7	Сотилган маҳсулотлар қиймати ва сақлаш, сифатини ва сотиш муддатларини ҳисобга олган ҳолда, минг сўм	630,4	10627,5	9997,1
2.8	Маҳсулотларни сақлашдан олинган фойда, минг сўм	307,2	6991,5	640
2.9	Рентабеллик даражаси %	95,0	192,3	2 марта ошган

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Изоҳ. \*Яккабоғ тумани “Қаюмов Салим Зафар ўғли” фермер хўжалиги, \*\*Китоб тумани “Панжи Кишмишзорлар” кооперативи маълумотларида асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<b>3. Мева-сабзавот маҳсулотларни қайта ишлаш:</b>				
3.1.	Қайта ишланган маҳсулотлар тонна	40	160	120
3.2	Маҳсулотлар хом ашё қиймати сотиш муддатини ҳисобга олган ҳолда, млн сўм.	60,0	208,0	148
3.3	Тайёрланган шарбатлар тонна	12,0	48,0	36
3.4	Қайта ишлаш харажатлари (хом ашёдан ташқари), млн сўм.	21,1	84,4	63,3
3.5	Шарбат ишлаб чиқариш харажатлари хом ашё харажатларини ҳисобга олган ҳолда млн сўм	81,1	292,4	211,3
3.6	Улгуржи нархларда шарбат қиймати, млн сўм	192,0	768	576
3.7	Қайта ишлашдан олинган фойда минг сўм	110,9	475,6	364,7
3.8	Рентабеллик даражаси, %	136,7	162,6	1,19 марта ошган
<b>4. Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш</b>				
4.1.	Янги маҳсулотлар сотиши мўлжалланган қисми, минг тонна	38,8	548,5	509,7
4.2.	Маҳсулотларни сифат ва сотиш муддатлари бўйича маҳсулотлар қиймати, млн сўм	620,8	8776,0	8155,2
4.3	Маҳсулотларни сотиш харажатлари млн сўм.	19,8	279,7	259,9
4.4.	Маҳсулотларнинг чакана нархи сотиш муддатлари бўйича млн сўм	310,4	4388,0	4077,6
4.5	Маҳсулотларнинг шарбатини сотиш харажатлари минг сўм	3,4	9,6	6,2
4.6	Маҳсулотларнинг шарбатининг чакана нархдаги қиймати	168,0	672,0	504
4.7	Маҳсулотларнинг сотишдан олинган фойда ёки зарар, млн сўм	374,1	4478,3	4104,2
4.8	рентабеллик даражаси, %	51,6	769,8	14,9 марта ошган
<b>5. Мева-сабзавот кооперацияси</b>				
5.1	Якуний маҳсулот қиймати, млн. сўм	478,4	5060,0	4581,6
5.2	Меҳнат унумдорлиги (ўртача бир кишига	68,3	88,8	20,5

	ишлаб чиқилган маҳсулот), млн. сўм			
5.3	Фонд қайтими бир сўм асосий воситага якуний маҳсулотнинг нисбати	1,51	1,62	0,11
5.4	Тармоқлараро маҳсулот таннархи, минг сўм	540,2	1689,7	1149,5
5.5	Жами фойда, млн. сўм	238,2	3370,3	3132,1
5.6	Кооперациянинг рентабеллик даражаси, %	99,6	199,4	2 марта ошган

бўлсак, 2018 йилда вилоят бўйича жами 23846 та фермер хўжаликлар фаолият юритишган бўлса, 2019 йилда 26682 та, 2020 йилда 28332 та, 2021 йилда 21283 та ва 2022 йилда 25943 та фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда.

Худди шундай методика бўйича бошқа турдаги маҳсулотларнинг иқтисодий интеграциялашган самарадорлигини аниқлаш мумкин

Мева-сабзавотчиликнинг самарадорлигини ошириш йўналишлари сифатида қуйидагиларни аниқлаш мумкин.

- ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш даражасини ошириш;
- ресурс тежайдиган ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш;
- уруғчиликни такомиллаштириш;
- янги наслларни яратиш ишлари;
- юқори ҳосилдор ўсимлик навларини ва юқори даражада улардан фойдаланиш;
- мева-сабзавотчилик маҳсулотлар хом ашёсини комплекс қайта ишлаш;
- мева-сабзавотчилик маҳсулотлар, хом ашё йўқотишларни камайитириш ва бошқалар;
- мева-сабзавотчиликда маркетинг фаолиятини такомиллаштириш;
- мева-сабзавотчиликда қайта ишлаш атрофида хом ашё зоналарини оптималлаштириш;
- мева-сабзавот экинларини оқилона жойлаштириш;
- хом ашёни ташиш харажатларни-тежаш;
- интеграциялашган ҳолда молиявий-ҳисоб-китоб марказини ташкил этишни шакллантириш, интра-индустриал ташкил этилишини таъминлаш;
- мева-сабзавотчилик соҳасидаги иштирокчилар таркибини оптималлаштириш ва ҳ.к.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридагилардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, мева-сабзавотчилик маҳсулотларини кооперация - ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари кооперативларни яратиш тартибиди, уларнинг ҳуқуқий ва ташкилий шакллари, ресурсларни тақдим этишда ишлаб чиқариш, муносабатларни ташкил этиш тартибиди, маҳсулот маркетингини, солиқ тизимларини, давлат ва кооперативлар ўртасидаги муносабатларни, кооперативларни ўзаро муносабатларни, мулкни бегоналаштиришга қарши ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлашни белгилловчи қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи сифатида тушунилиши керак.

Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчининг кооперациясида қуйидаги афзалликларга эътибор қаратишимиз лозим:

-ташкилий, иқтисодий ресурси ва бошқа чегаралари муайян саноат кўламини ошириш мақсадида уларда концентрация ва ихтисослашув жараёнларини тўлиқ ривожланишига йўл очилади;

-ўзаро манфаатли ҳамкорлик шаклида ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириш натижасида маълум бир маҳсулот турини ишлаб чиқаришда иқтисодиётнинг концентрацияси ва ихтисослашуви жараёнларини ривожлантириш учун имкониятлар яратади;

- мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришида турли механик, биологик,

хўжалик жараёнлари ва операциялари ўзининг оптимал режимлари ва ўлчамларига эга бўлади;

- мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасининг оптимал ҳажми мева-сабзавот хом ашёсини қайта ишловчи корхонанинг оптимал ҳажмига мос келмаслиги керак, унинг оптимали турли омилларга, шу жумладан, турли хил хом ашёларни ташиш даражасига боғлиқ бўлади.

Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперациясини атрофлича ўрганиб, унинг самарадорлик кўрсаткичларини кучини қайта тиклаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш учун шарт-шароитлар энг яхшиларини яратишда намоён қилиш, қишлоқда меҳнат шароитлари ва ҳақиқий иш ҳақини ошириш нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда технологик, иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш ҳамда экологик самарадорлик турлари ишлаб чиқилди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Чаянов.А.В. Основные идеи и формы организации сельскохозяйственной кооперации. – Москва. -1927. - 357 б.
2. Буздалов.И.Н. Возрождение кооперации. – М.: Экономика. -1990. –81 б.
3. Бузина Т.С. Оптимизация взаимодействия участников в региональных агропромышленных кластерах / Т.С. Бузина, Я.М.Иванько. – Иркутск: Издательство Иркутский ГАУ, 2015. – 148 с.;
4. Аллахвердиев А.И. Развитие форм кооперации в аграрном секторе АПК. –Москва: - Экономика. –2003. –10 с.
- 5.Н. В. Ермалинская, Е. А. Кожевников; Кооперация в агропромышленном комплексе: учеб. пособие / Беларусь, Гомел. : ГГТУ им. П. О. Сухого, 2016. – 191 с.,
6. Р.М.Хусанов. Деҳқон хўжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари. – Т.: Чўлпон, 2000. – 103б.;
- 7.Қ.А.Чориев. Фермер ва деҳқон хўжаликларини кооперация жараёнига жалб этиш. Агроиқтисодиёт илмий-амалий аграр иқтисодий журнал. – Тошкент. – 2017. – №1. – Б. 22-30.;

<p><b>Р.Эргашев</b></p> <p><b>Кооперация плодоовощной продукции и повышение ее эффективности</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в данной статье на основе организации системы кооперации плодоовощного кластера, повышения ее экономической эффективности с учетом широкого использования плодоовощных кооперативов в деятельности агрокластеров, фермеров и фермерских хозяйств, а также интеграционных систем, для повышения экономической эффективности плодоовощной кооперации разработаны предложения и рекомендации по улучшению и удовлетворению спроса населения на плодоовощную продукцию.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> плодоовощная продукция, продукт, кооперация, эффективность, социально-экономическая среда, агрокластер, сельское хозяйство, продовольствие, переработка, интеграция, перспектива, обеспечение населения.</p>	<p><b>R.Ergashev</b></p> <p><b>Cooperation of fruit and vegetable products and improvement of its effectiveness</b></p> <p><b>Abstract:</b> in this article, based on the organization of a fruit and vegetable cluster cooperation system, increasing its economic efficiency, taking into account the wide use of fruit and vegetable cooperatives in the activities of agroclusters, farmers and farms, as well as integration systems, to increase the economic efficiency of fruit and vegetable cooperation proposals and recommendations have been developed to improve and satisfy the population's demand for fruits and vegetables.</p> <p><b>Keywords:</b> fruit and vegetables, product, cooperation, efficiency, socio-economic environment, agrocluster, agriculture, food, processing, integration, perspective, population provision.</p>
--	---

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

22.05.2024 йилда теришга берилди. 7.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076А/24.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.